

5-10-2019

USING INNOVATIVE METHODS IN THE FORMATION OF ECONOMIC THINKING IN STUDENTS

Asalkhon Saliyevna Jamaldinova
teacher Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Jamaldinova, Asalkhon Saliyevna (2019) "USING INNOVATIVE METHODS IN THE FORMATION OF ECONOMIC THINKING IN STUDENTS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 5 , Article 60.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/60>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

USING INNOVATIVE METHODS IN THE FORMATION OF ECONOMIC THINKING IN STUDENTS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жамалдинова Асалхон Салиевна, ўқитувчи
Тошкент Молия Институтини

Аннотация: Ушбу мақолада инновацион таълим ва унинг мазмуни, уларнинг амалий хусусиятлари, инновацион таълим методлари, хусусан иқтисодий фанлар тизимида инновацион усуллардан фойдаланиш ва унинг аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион таълим, инновацион метод, иқтисодиёт, иқтисодий тафаккур, таълим ўйинлари.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ К ФОРМИРОВАНИЮ ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У СТУДЕНТОВ

Джамалдинова Асалхон Салиевна, преподаватель
Ташкентский Финансовый Институт

Аннотация: В данной статье представлены инновационные тренинги и их содержание, их практическая особенности, инновационные методы обучения и важность использования инновационных методов в системе экономических наук.

Ключевые слова: инновации, инновационное образование, инновационный метод, экономика, экономическая мысль, образовательные игры.

USING INNOVATIVE METHODS IN THE FORMATION OF ECONOMIC THINKING IN STUDENTS

Jamaldinova Asalkhon Saliyevna, teacher
Tashkent Institute of Finance

Abstract: This article presents innovative trainings and their content, their practical features, innovative teaching methods and the importance of using innovative methods in the system of economic sciences.

Key words: innovations, innovative education, innovative method, economics, economic thought, educational games.

«Инновацион таълим» тушунчаси илмий адабиётларда турлича талқин қилинмоқда: қатор муаллифлар инновацияларни фалсафий-назарий нуқтаи назардан қарасалар, бошқалари ўқув жараёнида қайсидир омилни, масалан, таълимнинг фаол методлари, ёки таълимнинг техник воситаларини, оқилона ишлатишни тушинмоқда. Таълим инновацияларининг моҳияти уларнинг амалий характерга эгаллигида: улар олий таълим битирувчилари, шунингдек малакасини ошириш курслари тингловчиларида инновацион тақфаккур лаёқатини шакллантиришга қаратилган. Демак, олий таълим инновациялари деганда биз ривожланувчи янги билимлар ҳамда таълимнинг инновацион жўшқинлигини тушунамиз.

Инновацион жўшқинлик деганда А.К.Маркова янги билимларнинг технологик ёки ижтимоий реалликка айланиши, илмий билимларнинг товар ёки хизмат кўрсатиш соҳасига айланишини тушунади[1].

Инновацион таълимнинг характерли хоссаси — ўз-ўзини идора қилиш, профессионаллик, марказлашувчанлик (антропоцентризм)дир. Инновацион таълимнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- таълим олувчиларнинг юқори даражадаги маънавий ҳамда интеллектуал-шахсий ривожланишини таъминлаш;
- таълим олувчиларнинг илмий тафаккур кўникмаларни эгаллашга шарт-шароит яратиш;
- ижтимоий-иқтисодий ҳамда касбий соҳаларга янгиликларни киритиш методологиясини ўргатиш.

Демак, инновацион таълим таълим жараёнини ўз мутахассислиги ижтимоий ва умуммаданий билим ва кўникмаларининг технологиялар томонгаҳаракати тарзида бир сафга кўяди (касбий маданият), бу унга касбий масалаларни тушуниш воситаси ва ечиш методларини ўзлаштириш имконини беради[2].

Бозор иқтисодиёти шароитида талабаларнинг иқтисодий тафаккурини шакллантириш, долзарб масалалардан биридир. Бугунги кунда таълим муассасаларида талабаларга инновацион усуллар орқали иқтисодий тушунчаларни шакллантириш, жумладан янги инновацион ўқитиш методлари усуллардан фойдаланиш тобора амалий зарурият касб этмоқда.

Ўқувчиларда иқтисодий тушунчаларни шакллантириш дидактик жараён (ДЖ) ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги компонентлардан иборат: мотивация (М), ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти (Ўф) ва уни педагог томонидан бошқариш (Б). Бу тизимлар қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$Дж=М+Ўф+Б$$

Маълумки, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини кенгайтириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ бўлади. Ўқитувчи дарс давомида ҳар бир мавзунини тушунтиришда, назария ва амлиётнинг уйғунлигига, амалда ўрганилаётган фаолият тажрибаларидан таассуротли далилларни махсус йиғиши ва ўқувчиларга ўқитилаётган предметнинг асосий ҳолатлари бўйича билимлар асосида ноқулай вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари намоиш қилиш керак.

Талабаларнинг иқтисодий тафаккури, унинг иқтисодий тушунчаларини қай даражада эгаллаганлиги асосида шаклланади. Шу сабабли кузатувларга кўра, ўқувчиларда инновацион методлар орқали иқтисодий тафаккурни шакллантириш қуйидаги тамойиллар асосида кўрилади:

1. Ўқувчиларни иқтисодий тушунчаларнинг моҳияти ва муҳим хусусиятлари билан таништириш;
2. Иқтисодий тафаккурнинг мазмунини аниқлаштириш, яъни иқтисодий тушунчаларнинг муҳим белгиларини аниқлаш;
3. Билишга оид топшириқларни бажаришда тушунчага таяниш

малакаларини ҳосил қилиш;

4. Иқтисодий тушунчаларни таснифлаш ва уларни бир тизимга солиш.

Дарс давомида қуйидаги инновацион методлардан фойдаланиш кўзланган натижага эришишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Масалан, дарсда «Икки қисмли кундалик» талабаларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, ўзининг табиий қизиқувчанлигини қондириш имконини беради. Айниқса, талабалар қандайдир катта матнни уйда, ўқув аудиториясидан ташқари ўқиб чиқиш топшириғини олишганида икки қисмли кундаликлар фойдалидир.

Икки қисмли кундалик учун талабалар ёзилмаган қоғознинг ўртасидан тик чизиқ ўтказиб, уни иккига ажратишлари керак. Қоғознинг чап томонига матннинг қайси қисми уларга энг кўп таассурот қолдирганини қайд этишади. Ушбу усул қўлланилганда ўқувчиларда даромад, тадбиркорлик, корхона, акционерлик жамияти ва бошқа шу каби тушунчалар шакллантирилади. Ушбу усул орқали ўқув материали идрок қилинганда:

–биринчидан, ўқувчилар мустақил фикр билдиришга ҳаракат қиладилар, яъни, ҳар бир ўқувчи бошқаларникидан мустасно ҳолда ўзининг ғояси, баҳолаши ва ишончларига эга бўлади;

–иккинчидан, ўқув материалида тақдим қилинган ахборот танқидий (ноёб) фикрлашга ундовчи мотив бўлиб хизмат қилади;

–учинчидан, эгалланиши лозим бўлган иқтисодий тушунчалар моҳиятини тушуниб олишга муваффақ бўлади;

–тўртинчидан, биринчи устунда келтирилган далилларнинг ишончли асослашга ҳаракат қилади ва бошқа қарорлар ҳам бўлиши мумкинлигини тан олади, лекин ўзи танлаган қарор бошқаларникига нисбатан энг мантиқий ва оқилона эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Бу ўринда ўқувчиларда ҳаётий тажрибалардан олинган, иқтисодий вазиятлар ечимини ўз ичига қамраб олган матнлар мотивация ҳосил қилишда катта туртки бўлиши мумкин. Бундай матнлар ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, зарур саволлар туғилади ва билимларни эгаллаш учун сабаблар вужудга келади. Иқтисодий тушунчалар моҳиятини англашга имконият яратилади.

«Ишбилармонлик ўйинлари-фаол ўқитиш методларидан бири бўлиб, у реал ўрганилаётган объектни тўғри англаш мақсадида таҳсил олувчининг у ёки бу вазиятини ўйин ҳолида талқин қилишга қаратилган усулдир» [3].

«Ишбилармонлик ўйинлар»и ҳам ўз моҳияти бўйича муайян фаолият мотиви, унда ақлий операцияларнинг иштироки ва ҳиссий кўриниши жиҳатидан муаммоли вазиятларни таҳлил қилишга мўлжалланади. «Ишбилармонлик ўйинлар» қуйидаги мақсадларга йўналтирилган бўлади:


– ўқув мақсадларига, яъни ўқув жараёнида мутахассисларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва иқтисодий билимлар тизимини ўзлаштиришга;

– илмий-изланув, бошқарув тажрибасини таҳлил қилишга;


– жорий фаолият натижасида вужудга келадиган муаммоларни ва ишлаб

чиқаришни ривожлантиришга мўлжалланган реал ахборот материалга таянишга ва ҳ. к.

“Венн диаграммаси” стратегияси талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндошув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. Стратегия кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади. Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



“Кластер” (“кластер” – ғунча, тўплам, боғлам) методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.



Педагогик кузатувларга кўра юқорида келтирилган инновацион усуллар орқали ўқувчиларда иқтисодий тушунчаларни шакллантириш қуйидаги ҳолатларда ижобий кечади:

– биринчидан: муаммоли вазиятларни машғулот бошланишида ўқувчиларга таклиф этиш ёки предмет мавзусини ифода эта оладиган

махсус муаммоли топшириқлар бериш;

– иккинчидан, муаммоли вазиятлар орқали ўқувчининг қийинчиликларни енгиш, инновацион усул ва ҳаракатларни излаб топишни талаб қилиш;

– учинчидан ўқувчиларнинг мотивацион доирасига таъсир ўтказиш, яъни ички ҳаракатланувчи кучини юзага келтириш, фанга бўлган қизиқишини орттириш;

– тўртинчидан, ўқувчиларнинг креатив (ноёб, стандартли бўлмаган) қобилиятларини камол топтириш, уларда мантиқий ўйлаш, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш[4].

Демак, ўқитувчи иқтисодий тушунчаларни ўқувчиларда шакллантиришда ҳар бир дарс мақсади ва мазмунига мос келадиган мотивация маъёрини аниқлаб олиши лозим бўлади.

References:

1. Markova A. K. Psixologiya professionalizma. – M., 1996. –S.87.
2. Ishmuhamedov R. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. – T. Istedod. 2008. –B.47.
3. Lyaudis V. Ya. Innovatsionnoe obuchenie: strategiya i praktika. – M., 1994. –S.34.
4. Farberman B.L. va boshq. Oliy o'quv yurtlarida o'qitishning zamonaviy usullari. – T., 2002. –B.86.